

## ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

«Мен бундай иллат ёнига боқимандалик деган яна бир иллатни қўшган бўлардим. Айнан мана шундай кайфият ҳамма ишни давлат қилиб бериши лозим, деган нотўғри хулосага сабаб бўлмоқда».

4-бет

## ТРИКОТАЖДАН ТУФИЛГАН ҚОРА МОЛЛАР

2-алоқа бўлимининг собиқ бошлиғи М.Ҳасанов эса 92 нафар пенсионернинг тўлов ҳужжатидаги имзоларини қалбақлаштириб, 1,8 миллион сўм пенсия пулларини жигилдонига урган.

5-бет

## МУДҲИШ ХОТИРАЛАР

Энди режа бундай. Ҳадемай қоронғи тушади. Бу биз учун яхши, туннинг кўзи кўр деб бекорга айтишмаган. Машинани саранжомлашга икки-уч соат кетади.

6-бет

## ЗАРАРЛИМИ ЁКИ ЙЎҚ?

Тадқиқот шуни кўрсатдики, мия саратони билан оғриётган беморларнинг кўпчилиги кўл телефонларидан мунтазам фойдаланувчилардир. Бу маълумот нафақат Британияда, балки бутун дунёда шов-шувларни келтириб чиқариши аниқ.

7-бет

Mustaqillik huquq demakdir

# HUQUQ

# 20

(335)

YURIDIK GAZETA

Май


D.	31	3	10	17	24
S.		4	11	18	25
Ch.	5	12	19	✓ 26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2004

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

### ▼ RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA



## ЭЛЧИ БИЛАН УЧРАШУВ

12 МАЙ куни Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурори Р.Қодиров АҚШнинг мамлакатимиздаги Факультетда ва Мухтор элчиси Жон Роберт Пурнеллни қабул қилди.

Қабул маросимида АҚШ элчихонаси ходимлари Майкл Голдман ва Сара Лам ҳамда Республика Бosh прокурорининг ўринбосари П.Бобожонов иштирок эттиди.

Мазкур тадбир Қўшма Штатлар билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни давом эттириш мақсадида бўлиб ўтди.

Учрашувда томонларнинг терроризм ва халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўзаро тажриба ва маълумот алмашиш масалалари кўриб чиқилди.

Р.Қодиров АҚШ ва Ўзбекистон терроризм, уюшган жиноятчиликка қарши курашда стратегик ҳамкор эканлигини, ҳозирда ушбу ҳамкорлик янада кенгайиб бораётганини таъкидлади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари 2004 йилнинг март ойида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган қўпуровчилик ҳаракатларига доир жиноят ишлари юзасидан тергов ҳаракатлари жадал суратларда олиб борилаётганлиги ва жиноят иши шу йилнинг август ойига қадар мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилиши кўзда тутилаётганлигини билдирди.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда халқаро террористик ташкилотлар бир-бири билан алоқада эканлиги сабабли мунтазам равишда АҚШ ва Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари ўзаро ахборот алмашиб боришлари лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Жон Пурнелл ҳар иккала давлат ўртасидаги ҳуқуқий алоқалардан қониқиб ҳосил қилиб, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ўртасида алоқаларни янада мустаҳкамлаш зарурлиги ва АҚШ бунга доимо тайёр эканлигини таъкидлаб, келгусида жамоат ва халқаро нодавлат ташкилотлари вакиллари билан алоқаларни кенгайтириш лозимлигини билдирди.

**А.МУҲАМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратурасининг бўлим бошлиғи

*Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган барча хатарлардан, юртимизга қарши тузилаётган барча фитналардан ўз вақтида огоҳ бўлишимиз, уларни бартараф этиш учун бор куч ва имкониятларимизни ишга солишимиз зарур. Биз халқаро терроризмга қарши курашда жаҳон ҳамжамияти, биринчи галда, минтақамиздаги давлатлар билан баҳамжиҳат ҳаракат қилишимиз даркор.*

**Ислом КАРИМОВ**

### ▼ ANJUMAN

## ЮЗИНЧИ ДОВОН

«Qonun himoyasida» журнаlining 100-soni чиқиши муносабати билан ўтказилган илмий-амалий конференция ҳуқуқий мавзуда ижод қилаётган журналистлар ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш имкониятларини ифода этди.



**ПРОКУРАТУРА**, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти, суд-ҳуқуқ ислохотлари билан боғлиқ энг муҳим янгиллик ва ўзгаришлар, жиноят ва жазо, инсон ҳуқуқлари ҳимояси мавзулари ҳар доим жамоатчиликни тўлқинлантириб келган ва уларнинг бу мавзуларга қизиқиши ортса ортиб бора-яптики, асло сусайгани йўқ. Шу боисдан бўлса керакки, бугунги кунга келиб мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий наشرларга бўлган талаб ва эҳтиёжи кунайганини кузатиш мумкин.

Албатта, ҳар бир наشر муассисларнинг эътибори ва қўллаб-қувватлаши билангина оёққа туриб олади ва ўз ўқувчилари аудиториясига эга бўлади. Ҳозирги пайтда республикамизда чоп этилаётган ўнлаб ҳуқуқий наشرлар ана шундай эътибор тўфайли матбуот майдонида ўз мавқени сақлаб турибди. Энг яхши наشرлар қаторида халқнинг назарига тушиш, ҳурматини қозониш ҳар бир газета ва журнал таҳририяти жамоасининг эзгу мақсадига айланган.

Саккиз йилдирки, «Qonun himoyasida» бирлашган таҳририяти ижодий жамоаси ҳам шундай мақсад йўлида изланишда давом этиб келмоқда. Республика Бosh прокуратураси қонунларни тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишидаги фаолиятида ўз ҳуқуқий наشرлари — «Qonun himoyasida» журнали ва «Huquq» газетаси имкониятларидан самарали фойдаланиб келмоқда. Бу наشرлар прокуратурани халқимиз билан боғловчи ўзига

хос ахборот воситаси вазифасини бажармоқда.

«Qonun himoyasida» журнаlining 100-soni чиқиши муносабати билан Республика Бosh прокуратурасининг ташаббуси билан ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган «Оммавий ахборот воситаларида суд-ҳуқуқ ислохотларини ёритиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик муносабатларини яхшилаш истиқболлари» мавзусидаги илмий-амалий конференция ҳамкорлигимизнинг яна бир ифодаси бўлди дейиш мумкин.

Конференцияни бошқарган Ўзбекистон Республикаси Бosh прокурорининг ўринбосари, III даражали давлат адлия маслаҳатчиси А.Холмаҳमतов мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида амалдаги қонунларни ҳар бир фуқаронинг онгига етказиш, тушунтириш ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу мақсадга эришишда прокуратура оммавий ахборот воситаларини энг ақин ҳамкор деб билади ҳамда ҳуқуқ тарғиботини янада яхшилашга интилиб келади.

Шу йилнинг 10-14 май кунлари Республика Бosh прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида ҳуқуқий мавзуда ижод қилаётган журналистлар учун махсус ўқув семинарининг ташкил этилиши ҳам ана шундай ҳамкорликнинг яна бир далилидир. Ўқув семинари журналистларнинг ҳуқуқий мавзуларга ихтисослашувини йўлга қўйишда муҳим қадам ҳисобланади.

Бosh прокурор ўринбосари ўқув семинарида малака оширган бир гуруҳ журналистларга сертификатларни топширар экан, уларнинг келгуси фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг илмий-амалий конференция кун тартибига мувофиқ «Qonun himoyasida» бирлашган таҳририятининг Бosh муҳаррири А.Абдураззоқов «Qonun himoyasida» журнаlining ташкил этилиши, унинг ишини йўлга қўйишда бosh-қoш бўлган фидойи инсонлар, прокуратура фаолиятига ошқоралик беришда нашининг тутган ўрни, жамоатчилик билан алоқалари, мақсад ва вазифалари ҳақида батафсил гапириб берди.

— Бугунги замон бутунлай бosh-қача, — деди бosh муҳаррир, — одамларнинг дунёқарашини инкилобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Шунинг учун мустақил Ўзбекистон прокуратураси мамлакатимизда ке-чаётган демократик жараёнларга пeshов чиқди. Бугунги кунда прокуратуранинг ўзи мамлакатимизда чиқиб турган ўндан ортик юридик нашининг ташкилотчиси ва муассиси ҳисобланади.

Ҳуқуқий маърифат демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қураётган Ўзбекистон учун нечоғли зарур эканлигини яхши тушунган кишилар газета-журналлар ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали халқнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш билан бозор қонунлари доирасида ишлайдиган тараққиёт даражасига кўтарилиш мумкинлигини яхши ҳис этганлар. Уларнинг хизмати ўларок, бугун ҳар бир вилоят ўзининг ҳуқуқий наширига эга.

(Давоми 4-бетда).





ЮЗИНЧИ ДОВОН


(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юридик газеталар билан баб-баравар ҳуқуқий мавзуда қалам тебратадиган журналистлар сафи кенгайиб борапти. Бундан ўн йил аввал бу ҳақда фақат орзу қилиш мумкин эди. Таҳририятларнинг ўз ҳуқуқшунос-журналистлари пайдо бўлаётгани ҳам эътиборга молик воқеадир. Мана, бугун бизнинг таҳририятда ҳам 6 нафар ҳуқуқшунос-журналист меҳнат қилмоқда. Улар орасида фан доктори, тажрибали прокуратура ходимининг ҳам борлиги нашримизнинг амалий жиҳатдан обрўсини оширишга, умий ишимизга хизмат қилмоқда.

Бош муҳаррир газета-журнал ўз муаллифлари билан кучли бўлишини таъкидлади. Ўтган йиллар давомида бирлашган таҳририятимиз теварагига Ислом Жасимов, Мухторжон Шодмонов, Сафар Каттабоев, Довуд Маъдиев, Мавжуда Ражабова, Саминжон Омоннэзов, Гулнора Ҳамроева, Эркин Аб-

лаётган яна бир юридик фанлар доктори Мавжуда Ражабова ҳуқуқий дунёқарашни шакллантиришда ҳуқуқий матбуотнинг ўрни ва роли ҳақида тўхталиб, журнал бу мавзуда муайян ишларни амалга оширилганини, лекин бу ҳали етарли даражада эмаслигини таъкидлади.

Ўзбекистон мустақил давлатга айланган пайтдан тоталитар тузумдан тубдан фарқ қилувчи янги жамият ва давлат қуришга киришилди. Шахс эркинлиги, ҳуқуқлиқлик, мулкка эғалиқ қилиш, жамият ва давлатни бошқариш билан боғлиқ сиёсий ҳуқуқларни таъминлаш бош ислохотчи бўлиши давлат зиммасига юклатилди. Биз қуришга



залов, Шухрат Рўзиназаров, Нуриддинжон Исмоилов, Исмаилюлло Илдошев каби фаол ҳуқуқшунос ижодкорлар жамланди. Улар ўз мақолаларида ҳуқуқшунослик ва қонун ижодкорлигининг долзарб муаммолари хусусида баҳс-мунозаралар юритишмоқда.

Айни пайтда камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Маромига етмаган, қуруқ, илмий ишдан кўчириб олинган шаблон мақолаларнинг йўлига қатъий тўсиқ қўя олмаёғимиз. Журнал рундаларини кенгайтириш, унинг оммабоплигини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Юридик фанлар доктори Шухрат Рўзиназаров журнал ташкил этилгандан буён таҳририят билан ижодий ҳамкорлигини узгани йўқ. Умуман, ҳуқуқшунос олимнинг иходдаги сермахсуллигига, долзарб ҳуқуқий мавзуларда ёзиш маҳоратига ҳар қандай журналист ҳавас қилса арзийди. Ш.Рўзиназаров ушбу конференцияда матбуот ва судлар фаолиятининг ошкоралиғи мавзусида маъруза қилиб, бу соҳада ҳамкорликни яхшилашга хиз-

мат қилувчи қимматли тақлифларни ўртага ташлади.

Журнал билан мустақкам ижодий ҳамкорлик қилиб ке-

мади. Бирок бундай муаммоларга кўп сонли ўқувчиларнинг, ҳуқуқшунос олимларнинг муносабатлари айтарли сезилга-

ни йўқ. Бу ерда гап бефарқлик ҳақида бораётгани йўқ, балки таҳририят изчилликка эришиш борасида изланса фойдали бўлади.

Умуман, фуқароларнинг ҳуқуқий дунёқарашини оширишда қонунларни оддий одамлар ҳам тушунадиган тилда шарҳлаб бериш катта аҳамиятга эга.

Конференцияда Тошкент давлат юридик институтининг проректори Рустам Шарипов ҳуқуқшунослик ва журналистика соҳаларида ихтисослашувнинг айрим масалалари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази бошлиғи Бобокул Тошев ОАВ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ҳамкорлигида учраб турадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари хусусида маъруза қилдилар.

Музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьяси Узок Бозоров, Республика Олий суди Пленуми котиби Холмамад Ҳасанов ва бошқа ҳуқуқшунос олимлар журналистларнинг ихтисослашуви соҳасида қўйилган амалий қадамларини қўллаб-қувватлаш зарурлиги, Фуқаролик кодекси ва Жиноят кодекси каби айрим қонунлар тилини янада такомиллаштириш, қонун тили, халқаро юридик терминларнинг ўзбекча мўқобилини топиш ва қўллаш билан



боғлиқ масалалар, бу ишларда ҳуқуқшунос олимлар ва журналистларнинг ижодий ҳамкорлигини кучайтириш, шу каби долзарб мавзуларни матбуотда кенгроқ еритиш хусусида фикр-мулоҳаза ва таклифларни билдирдилар. (Конференция материаллари билан «Qonun himoyasida» журналининг 2004 йил 5-сонида батафсил танишишингиз мумкин).

Юзинчи довонда туриб ўз ўқувчиларимиз, фаол муаллифларимиз, таниқли ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқ мавзусида ижод қилётган ҳамкасбларимиз билан дейдорлашиш биз учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Бундай мулоқот фаолиятимизни сарҳисоб қилиш, келгуси ишларимизни яхшилаш юзасидан вазифаларни аниқлаштириб олиш, ўқувчилар фикрини ўрганиб, зарур сабаб ва хулосалар чиқариш имконини берди.

Бахтиёр НАЗАРОВ, ўз мухбиримыз Суратлар муаллифи А.ТУРАЕВ



OGOHILKKA DA VAT

ЖАҲОМАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН

Қандай мақсадлар йўлида бирлашиш лозим? Қандай тўсиқларни енгиб ўтиш зарур? Бу саволлар ўз вақтида ватанини озодликка олиб чиққан Жорж Вашингтон, Махатма Ганди олдида ҳам, Иккинчи жаҳон урушида агрессорларга қарши курашга маҳкум этилган Хитой, Корея халқи олдида ҳам кўндаланг турган эди. Бизнинг давримизга келиб глобал аҳамият касб этаётган шундай бир ҳавф вужудга келдики, эндиликда терроризм, диний экстремизмга қарши кураш тараққийёт ва барқарорликни ҳимоя қилиш даражасида ҳар бир фуқародан масъулият талаб этмоқда. Жиззах вилоятининг Фаллоорол, Дўстлик туманлари прокурорлари Улуғбек Ражабов ва Шавкат Турдибековлар билан сўхбатимиз мавзуси ҳам айнан шу ҳақда бўлди.

моқда.

**Ш.ТУРДИБЕКОВ:** — Ташвиқот-тарғибот ишлари асосан аҳоли турар-жойлари, ўқув масканларини камраб олган. Дўстлик туманидаги «Истиқлол», «Наврўз», «Саритела», «Бунёдкор» кишлоқ фуқаролар йиғинларидаги учрашувларда минглаб кишилар иштирок этдилар. Қувонарлиси, бу тадбирларда фуқароларнинг ақилчилиги, терроризмга нисбатан фикрларини очиб ифодалаганлиги бўлди.

— Мамлакатимиз Президентини ўз чиқишларида «Биз ўз таллаб олган йўлимиздан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз» дея кўп бор таъкидлайди. Фаровонликни таъминлашдек эзгу мақсадга хизмат қиладиган бу йўлимизга тўсиқ бўлишга уринаётган терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш туман прокуратуралари фаолиятида қанчалик ўз ифодасини топмоқда?

**У.РАЖАБОВ:**—Фикрингизга қўшиламман. Ҳозирги вақтда Фаллоорол туманида профилактик ҳисобда турадиган диний экстремизмга мойил 9 нафар шахснинг ярмини ёшлар ташкил этади. Улар билан мунтазам равишда профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Тадбирлар жараёнида баъзан ачинарли ҳолларга ҳам дуч келмоқдамиз. Улардан бири атрофдагиларнинг лоқайдлик, «ўзи бўлармики» иллатларига чалинганликларидир. Агар ёшларимиз атрофда бўлаётган жараёнларга ўзларининг мустақил қарашлари билан ёндошсалар эди, бундай муаммолар бартараф этилган бўларди. Масалан, Д.Йўлдошев ширкат хўжалигидидаги «Сарбозов» кўрғонига яшаган Муҳаммад Назаров 1990-1999 йилларда диний экстремистик ташкилотнинг аъзоси бўлган. У ёшларга ақидапарастликка қаршилган агрессив ёғларни сингдиришга кўмаклашган. Атрофдагилар бунга лоқайд бўлишган. М.Назаров бир неча йил аввал «Россияга тижоратга кетдим» деган баҳона билан уйдан чиқиб кетган бўлса-да, расмий идоралар ўз вақтида бундан хабардор қилинмаган.

**Шавкат ТУРДИБЕКОВ, Дўстлик тумани прокурори:**  
—Айтиш мумкинки, Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятининг Ромитан туманларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари туманимиз жамоатчилигини изтиробга солиши билан бир қаторда, бундай хунрезликларни кескин қоралашларга сабаб бўлди. Мамлакатимиз Президентининг юқоридасиз келтирган таъкидларни жуда кўп омилиларга асосланган улкан мақсадларимизни ифодалаб беради. Туманимиз прокуратураси Ойртбошимизнинг Олий Мажлисининг апрел ойидаги сессиясида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар доирасида бир қанча чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

**Улуғбек РАЖАБОВ, Фаллоорол тумани прокурори:**  
—Бизнинг олдимизга қўйилган мақсадлар аниқ. Биринчи навбатда тараққийпарвар жаҳон ҳамжамияти эришган ютуқларни Ўзбекистонда жорий қилиш. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат асосларини бунёд этиш. Халқимизнинг турмуш тарзини юксалтириш йўли билан фаровонлиқни, барқарорликни таъминлаш. Террорчилик ҳаракатларини содир этган шахсларнинг нияти эса бундай олижаноб мақсадларга мутлақо зид. Шу нуқтананазардан туман прокуратураси жамоатчилик орасида кенг микёсда ташвиқот-тарғибот ишларини амалга ошир-



мади. Бирок бундай муаммоларга кўп сонли ўқувчиларнинг, ҳуқуқшунос олимларнинг муносабатлари айтарли сезилга-

**Ш.ТУРДИБЕКОВ:** — Очигини айтганда, айримларнинг лоқайд муносабатига кўп дуч келганмиз. Мен бундай иллат ёнига боқимандалик деган яна бир иллатни қўшган бўлардим. Айнан мана шундай қайфият ҳамма ишни давлат қилиб бериши лозим, деган нотўғри хулосага сабаб бўлмоқда. Кундалик турмушда дуч келинаётган муаммоларга мавжуд тузумни айблашга олиб келадиган боқимандалик туйғуси орқали ақилдапарастларнинг «чирғонга мой куйилаётганлиги» бор гап. Олдимизга қўйилган мақсадлар ҳар биримиздан «томшоабинлик»ни эмас, изланишни, интилишни, тараққийёт ва фаровонликка ҳисса қўшишни тақозо этади.

«Huquq» мухбири **А.МУСТАФОҚУЛОВ** сўхбатлашди





XORIJ TAJRIBASI

Конституцияга мувофиқ сайлов тизими (АҚШ Конгресси ва президентга сайловлар ҳам) ҳар бир штатнинг қонунчилик органи томонидан яратилган қонунлар билан тартибга солинади.

XIX тизими (1920) аёлларга сайлов ҳуқуқи берилиши.

XXI тизими (1961) Колумбия федерал округи аҳолисига президент сайлов коллегияси аъзосини (вакилли) сайлаш.

XXIV тизими (1964) солиқ ёки бошқа турдаги тўловларни тўламаганлик оқибатида сайлов ҳуқуқини чеклашни таққиллаш.

XXVI тизими (1971) 18 ёшдан фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиши.

Уттан асрнинг 60-70 йилларида қабул қилинган фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларда мансабдор шахслар томонидан фуқароларга овоз беришда қатнашни ҳуқуқи рад этилганда, улар устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи белгилаб қўйилди.

Сайловчиларни рўйхатга олиш маҳаллий бошқарув органларининг (график ва шаҳар) махус сайлов

Россиялик ҳуқуқшунос олим Марат Баглайнинг эътирофи эътишча, АҚШ Конституцияси ўзининг сайлов тизими соҳасидаги айрим камчиликларидан ХХ асрнинг иккинчи ярмида олиб борилган ислохотлар натижасида фориг бўлди.


САЙЛОВ ТИЗИМИ

комиссиялари томонидан амалга оширилади. Штатларнинг баъзиларида сайловчилар рўйхати доимий бўлиб, бир сайловдан иккинчи сайловгача бир неча аниқликлар киритилиши, рўйхатга олиш ва овоз беришда почта хизматидан фойдаланиш мумкин.

Номзодларни кўрсатиш сайловларнинг кўламига қараб (федерал, штат ва маҳаллий) ҳал қилинади. Энг оддий номзод кўрсатишдан бири қонунда белгиланган миқдордаги сайловчилар имзосини йиғишдир (петиция кўриниши).

кўрсатилади, сўнг штат ҳокимияти органларига сайланадиган лавозимларга (губернатор, қонунчилик палатаси вакили) номзод кўрсатилади. Партия мажлислари ва съездлар ўқори туруви съездларга ўзлари ичидан сайланган делегатларни юбонир, айни шу делегатлар орқали кейинчалик сайланадиган лавозимларга номзодлар кўрсатилади.

Праймериз давлат бошлиғи, яъни президент сайловда қўлланади. Биринчи бошқич сайловларида президентликка номзодлар ҳар бир партиянинг штатлардаги мажлисларида партия аъзолари (сайловчилар) томонидан тасдиқланиб, партиянинг умумий сўзига номзод сифатида юборилади.



АҚШДА

зилишни инобатга олсак, сайлов бюллетенидаги номзодлар рўйхати кўпайиб, сайловчилар учун ноқулайликларга сабаб бўлади. Сайловчиларга энгиллик яратиб бериш учун аксарият штатларда сайлов машиналари қўлланади.

Барча сайлов натижалари нисбий кўпчиликка асосланган мажоритлар сайлов тизими (50%+1 овоз) асосида аниқланади ҳамда энг кўп овоз олган номзод ютиб чиққан ҳисобланади.

бўлмаган миқдорда, бир йилда барча тоифадаги сайловлар учун 25 минг доллардан ошмаслиги керак. Юридик шахс сифатида банклар, компаниялар, касса уюшмалари ва бошқа ташкилотлардан тузилган «Сийёсий фаолият қўмитаси» томонидан сайлов олди фондида бериладиган бадаллар миқдори битта номзодга 5 минг доллардан ошмаслиги лозим.

лум миқдорда биринчи босқичда штатларда президентликка кўрсатиладиган номзодлар учун берилади ва иккинчи босқичда партиаларнинг умумий сўзига номзодга тасдиқланган шахсларга хусусий молиявий манбалардан фойдаланмаслик ҳамда ўз хисобидан 5 минг доллардан ортқ маблағ ишлатмаслик шарти билан молиялаштирилади.

Хорижий манбалар асосида ТДЮИ «Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви» кафедраси ўқитувчилари С.ХИДИРОВ ва Ш.АСАДОВЛАР тайёрлади

TADQIQOT

Аксарият олимларнинг фикрига кўра, уяли телефон аппаратлари инсон миёсининг реакциясини тезлаштиради. Охириг пайтларда жaxon мутаботида муштарийларнинг телефон билан боғлиқ хавотирли мактублари кўпая бошлади.

Доктор Алан Прис Бристоль онкологик марказининг биофизика бўлими бошлиғи. У ҳам қўл телефонларидан тарқаладиган электромагнит тўқинлари инсон организмида соғлиққа зарарли кимёвий жараёни тезлаштиришни таъкидловчи олимлар қаторига қиради.

Одатда стресс-протеинлар инсон организмидаги юқори ҳарорат натижасида вужудга келади. Лекин Прис ва бошқа олимларнинг айтишича, радиочастота сигналлари стресс-протеинларни организмдаги ҳароратнинг паслигига қарамасдан ҳам вужудга келтириши аниқ.



низми реакциялари ўртасидаги хавфли боғлашиш йўқолган деб айтолмайди», — дейди доктор Прис.

Агар қўл телефонлари ҳақиқатан ҳам соғлиққа зарар бўлса, қай даражада зарарли? Профессор Лин айнан шу саволга жавоб топшиш мақсадида қўлаб тадқиқотларга бошчилик қилган.

Кўл телефонлари зарарлими ёки?.. Ушбу саволга ҳар хил жавоб берилади. Британияда бўлган табибий конференцияда ҳам бу масала юзасидан турлича фикр билдирилди.

ЗАРАРЛИМИ ЁКИ ЙЎҚ?

лигига олиб келишни кўрсатди. Бу эса саратон касаллиги келиб чиқиши хавфини кучайтиради. Швециялик олимлар Леннарт Харделл ва Желл Хансон Милдинг аниқлашди, ўн йил давомида қўл телефонидан фойдаланган кишининг саратон касалига дучор бўлиш эҳтимоли 26 фоиз ошади.

Бу натижалар жaxon олимларини хавотирга солиб қўйди. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жомда. Барча тадқиқотлар эски уяли алоқа базаларида ўтказилган. Бундай телефонлар учун автомобил томларига антенна ўрнатиш керак бўларди ва улар доимо радионур тарқатиб турарди.

маълумот зарур. Маълумот эса тадқиқот натижасида олинади. Саратон касаллигининг ривожланишига ўн йилча вақт кетади, бу эса тадқиқот ўтказиш даврига тўғри келмайди», — дейди Лин.

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимларининг фикрига кўра, қўл телефонларининг инсон соғлиғига таъсири аниқлаш учун қўшимча тадбирлар даркор. Бу масалани оидинлаштиришга қаратилган тадқиқотларни кечитирмаслик лозим.

жасида қўл телефонларининг соғлиққа зарарли эканини тасдиқловчи аниқ далиллар олинмаган бўлса-да, олимлар айниқса болаларнинг бундай телефонлардан фойдаланишига қарши чиқишмоқда.

Инсон қўл телефонидан фойдаланаётган пайтда нурланишга дучор бўлади. Бу нурлар организмдаги биологик тўқималарнинг зарарланишига олиб келади. Нурланиш бирлиги SAR деб номланиб, ватт/килограмм билан ўлланади.

Бирок немис олимларининг тадқиқотлари бу кўрсаткичларга умуман эид келади. Унга асосан 0,002 ватт/кг дан ошқ SAR ДНК тўқималарининг бузилишига, саратон, ёш болаларда оқсон касалликлари, мия тўқималарининг бузилишига ва бошқа хасталикларга олиб келади.

Нима бўлганда ҳам барчамиз бу муаммога бўлмаган гап деб қарасак-да, ич-ичимиздан қўл телефонларининг зарарли эканига ишонамиз. Шу сабабли қўл телефонларидан иложи борича камроқ фойдаланишга ҳаракат қилайлик.

- P.S. Айрим қўл телефонларидаги SAR кўрсаткичи қуйидагича: Nokia — 0,76-0,94 ватт/кг. Panasonic — 0,38-1 ватт/кг. Ericsson — 0,75-0,94 ватт/кг. Motorola — 0,54-0,68 ватт/кг. Alkatek — 0,62-0,79 ватт/кг. Sony — 0,71-1,06 ватт/кг. Siemens — 0,75-0,97 ватт/кг. Samsung — 0,95-1,07 ватт/кг. Philips — 0,77-1,14 ватт/кг.

